

АДАБИЁТ ВА МАДАНИЯТ

УЎК (УДК, UDC): 821.512.133-1
DOI: 10.36078/1564993313

НАВОЙНИНГ “БЎЛДУМ САНГА” РАДИФЛИ ҒАЗАЛИГА КИШВАРИЙ ТАХМИСИ



Тўлқин СУЛТОНОВ

Докторант (PhD)

Самарқанд давлат чет тиллар институти

tolqin82@yahoo.com

Аннотация

Мақолада анъана, адабий таъсир ва ўзига хослик масалалари Алишер Навоийнинг «бўлдум санга» радибли ғазали ва озарбойжон шоири Нёматуллоҳ Кишварий девонидаги “boldum sana” (“бўлдум санга”) радибли тахмисининг қиёсий таҳлили орқали очиб берилган.

Калит сўзлар: ғазал; тахмис; лирик қахрамон; анъана; адабий таъсир; ўзига хослик; маҳорат; бадий санъатлар.

ТАХМИС НА ГАЗЕЛЬ НАВОИ С РЕДИФОМ «БУЛДУМ САНГА» НЕЪМАТУЛЛАХА КИШВАРИ

Тулқин СУЛТОНОВ

Докторант (PhD)

Самарқандский государственный институт иностранных языков

Самарқанд, Ўзбекистан

tolqin82@yahoo.com

Аннотация

В статье на основе газели с редифом «булдум санга» Алишера Навои и тахмис с редифом “boldum sana” («булдум санга») азербайджанского поэта Нёматуллах Кишвари раскрываются проблемы традиции, литературного влияния и новаторства.

Ключевые слова: газель; тахмис; лирический герой; традиция; литературное влияние; новаторство; мастерство; поэтические фигуры.

TAKHMIS BY NEMATULLOH KISHVARI TO THE GHAZEL WITH THE REDIF OF «BOLDUM SANGA» BY ALISHER NAVOI

Tulkin SULTONOV

PhD researcher

Samarkand State Institute of Foreign Languages

Samarkand, Uzbekistan

tolqin82@yahoo.com

Abstract

In this article the problems of tradition, literary influence and specific is illuminated by comparative analyzing gazel with redif of «boldum sanga» by Alisher Navoi and takhmis with redif of «boldum sana» by Nematullokh Kishvari.

Keywords: gazel; takhmis; lyric hero; tradition; literary influence; specific; skill; literary arts.

XV асрда Ҳирот адабий мактабида таълим олган Хулқий, Аллоҳий, Зиёий, Басирий, Шоҳқулибек, Сусанибек, Парипайкар каби озарбайжон шоирларининг хизматлари туфайли буюк ўзбек шоири Алишер Навоий асарларининг қўлёзма нусхалари Сафавийлар давлатига кириб борди ва кўплаб озар ижодкорлари олий навоийона услубда ёза бошладилар (4, 45).

XV аср охири – XVI аср бошларида Оққуюнли ҳукмдори Султон Яъқуб саройида яшаб ижод этган Неъматуллоҳ Кишварий Алишер Навоий ғазалларидан адабий таъсирланган ҳолда ижод қилган илк озарбайжон шоири бўлиб (6, 98), изланишларимиз натижаларига кўра, у ўзбек устозининг ўзида кучли таассурот қолдирган, фикрларини уйғотган, туйғуларини жўштирган ғазалларига жавобан 56та назира ва 5та тахмис битган.

Кишварий девонида саккизта тахмис мавжуд, шундан бештаси Алишер Навоийнинг “бўлдум санга”, “бор”, “бўлмасун”, “топмадим”, “беш эмас” радифли ғазалларига ва биттаси Мавлоно Лутфийнинг “Кўкдадур ҳар дам фиғонинг кўргайсен моҳини” мисраси билан бошланадиган ғазалига жавобан шарқий туркий тилда, яъни ўзбек тилида, қолганлари эса, усмонли турк адабиёти намояндалари Караманли Низомийнинг “Шул пари пайкарки, дил зулфи паришониндадур” ва Аҳмад Пошонинг “Эй кўнгул мурғи, не раҳм истарсан ул сайёдидан” мисраси билан бошланадиган ғазалларидан адабий таъсирланган ҳолда усмонли турк тилида ёзилган (3, 48).

Неъматуллоҳ Кишварийнинг Алишер Навоий ижодидан саралаб олинган беш ғазалдан адабий таъсирланган ҳолда ёзган тахмисларини замин ғазаллар билан қиёслаш натижасида қуйидаги гуруҳларга ажратиб ўрганишни лозим топдик:

1. Ишқий мавзудаги тахмислар.
2. Ижтимоий-сиёсий мавзудаги тахмислар.
3. Панд-насихат руҳидаги тахмислар.

Ишқий мавзудаги тахмисларга “бўлдум санга”, “бор”, “бўлмасун” радифли ғазалларга жавобан битилган тахмисларни, ижтимоий-сиёсий мавзудаги тахмисга “топмадим» радифли ғазал таъсирида ёзилган тахмисни, панд-насихат руҳидаги тахмисга “беш эмас” радифли ғазалдан илҳомланиб битилган тахмисни киритишимиз мумкин.

Кишварий асарлари асосида чоп этилган “Асарлар”нинг “Тахмислар” бўлими Навоий ҳазратларининг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан ўрин олган “бўлдум санга” (1, 35 – 36) радифли ғазалига боғланган “boldum sana” (5, 150 – 151) радифли тахмис билан бошланади.

Навоийнинг рамали мусаммани маҳзүф, яъни фоилотун – фоилотун – фоилотун – фоилун вазнида ёзилган “бўлдум санга” радифли машхур ғазали мажозий ишқ мавзусида ва у ошиқ ва маъшуқа орасидаги айтишувга асосланган. Содда йигит бир кўришдаёқ соҳибжамол қизнинг ошиқи бекарорига айланиб, унинг хуснига зор ва ишқ дардига мубтало бўлади. Бепарво ёр эса, ноз-фироқ ўтида куйдириб, бечора ошиқни қийнайди. Маъшуқасининг висолидан бебахра ошиқ айрилиққа чидолмай аламини ёрга ошно бўлган кунидан олиб (*ташхис* санъати), уни балоларга тўла кунга қиёслайди:

Навоий:

*Кўргали хуснунгни зору мубтало бўлдум санга,
Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдум санга (1, 35).*

Кишварий Навоийнинг юқорида номи тилга олинган ғазалининг ҳар бир байтига жавобан айна вазн ва радифда беназир тахмис ёзган. Озар шоирининг мухаммас боғланаётган ғазалга қўшган мисралари байт олдидан келтирилиши жиҳатидан унда ифодаланган фикрни тушунишга замин яратиб, шарҳлаб, изоҳлаб, ривожлантириб, тўлдириб келган. Озарбайжон шоири талқинидаги лирик қаҳрамон наздида маъшуқа гўё гўзалларнинг подшоҳига, ошиқ эса унга жонини қурбон ва ўзини фидо қилувчи гадога тенгдир. Озар ошиғи севгилисига шу қадар содиқ ва фидокорки, ҳатто ишқнинг домани (*истиора* санъати), яъни этагини тутиб, ёрининг хокипойи бўлишга ҳам тайёр.

Кишварий:

*Ey gözəllər padişahi, ta gəda boldum sana,
Can sana qurban bolub, mən həm fəda boldum sana,
Dəməni-eşqini dutub, xaki-ya boldum sana,
«Görgali hüsnünü zarü mübtəla boldum sana,
Nə bəlalığ gün idi kim, aşina boldum sana» (5, 150).*

Мазмуни:

*Эй гўзаллар подшоҳи, то гадо бўлдум санга,
Жон санга қурбон бўлуб, мен ҳам фидо бўлдум санга,
Домани ишқингни тутиб, хокипо бўлдум санга,
«Кўргали хуснунгни зору мубтало бўлдум санга,*

Не балолуз кун эдиким ошно бўлдум санга».

Навоий тасвирлаган ошиқ маъшуқаси кўрсатган ҳижрон азобларини писанд қилмай, барча жабр-зулмга чидайди ва ишқида содиқ эканини исботлаб бораверади. Бечора йигит гўзал қиздан кўнглини узишга ҳар қанча уринмасин, лекин кундан-кун баттарроқ унга боғланиб қолаверади. Чунки илоҳий файз зухур топган ишқдан асло қочиб қутулиб бўлмайди. Айниқса, ушбу байтда қўлланилган *радд ул-ҳашив илал-ҳашив* (илк мисра ўртасидаги “кун-кундин” сўзининг кейинги мисра ўртасида такрорланиши), *мукаррар* (“кун-кундин” жумласининг қўшалок ҳолда такрорланиши) сингари шеърини санъатлар шоирининг юксак поэтик маҳоратидан далолат беради.

Навоий:

Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгул,

Ваҳки, кун-кундин баттарак мубтало бўлдум санга (1, 35).

Навоийнинг “бўлдум санга» радибли ғазалининг иккинчи байтига ёзилган жавоб Кишварийнинг 2004 йилда Бокуда чоп этирилган “Асарлар” девонида учрамайди. Ушбу бандни турк олими Жале Демиржининг Кишварий туркий девонининг Бурса нусхаси асосида тайёрлаган “Озарбойжон шоири Кишварийнинг Навоий шеърларига ёзган тахмислар” мақоласидан олдик. Демак, мазкур банд қўлёзмани кўчирган хаттотнинг эътиборсизлиги билан Кишварий девонининг Боку нусхасидан тушиб қолган ёки яхши ўқиб бўлмаганлиги сабабли ношир томонидан тушириб қолдирилган.

Кишварий талқинидаги ошиқ ҳам маъшуқа кўрсатган сўнгсиз зулм оқибатида фироқ денгизига (*истиора* санъати) ғарқ бўлган. Унинг маъшуқасидан кўнгил узган ҳолда бирор кун ҳам иши юришмади, қалбида ҳижрон туфайли юзага келган қонлар кипригидан сизиб чиқаверди (*зулуъ* санъати). Озар йигити ҳам ўз маъшуқасидан ҳар қанча йироқ бўлишга уринмасин, аксинча унга янада яқинроқ бўлиб қолаверди:

Кишварий:

Неçа бу баҳри-фироқ ичра ўзәү сәндин көнүл,

Олмади бир күүн ки бир ишим дүүзәү сәндин көнүл,

Кирпикимдин неçа һун-дил сүүзәү сәндин көнүл,

“Нәр неçа дәрдим ки күүн күүндин озәү сәндин көнүл,

Вәһ ки күүн күүндән бетеррек мүбтелә boldum сана” (3, 53).

Мазмуни:

Неча бу баҳри фироқ ичра узай сендин кўнгул,

Бўлмади бир кунки бир ишим тузай сендин кўнгул,

*Кирпигимдин неча хуни дил сузай сендин кўнгул,
“Хар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгул,
Ваҳки, кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санга».*

Навоий ғазалининг учинчи байтида *савол-жавоб, радд ул-ҳашив илал-ҳашив* ва *тазод* санъатларининг ёрқин намунаси учрайди. Ошиқ қачон ёридан вафо қилишни сўраган бўлса, шаддод ёр бунинг тескарисини қилиб унга зулм айлаган. Аксинча, маъшуқа ошиқдан фидо бўлишни сўраганида, лирик қаҳрамон шу заҳоти суюқлисига фидо бўлган:

Навоий:

*Мен қачон дедим: вафо қилгил, манга зулм айладинг,
Сен қачон дединг: фидо бўлгил манга, бўлдум санга (1, 35).*

Навоий қаламига мансуб “бўлдум санга” радифли ғазалнинг учинчи байтига ёзилган жавоб Кишварий тахмисининг бешинчи бандида учрайди. Мазкур банднинг Боку нусхасида айрим хатоликлар мавжуд. Жумладан, Боку нусхасида тахмис бешинчи бандининг иккинчи мисраси “*Riştēyi-canum yūziüb hīc ilə aǧrīm baǧladın*” (“*Риштайи жоним узиб, ҳажр ила оғрим боғладинг*”) дея бироз тушунарсиз ёзилган бўлса, Бурса нусхасида айни мисра “*Rište-i canım yūziür sih̄r ile aǧzım baǧladın*” (“*Риштаи жоним узиб сеҳр ила оғзим боғладинг*”) тарзида мантиқан тўғри шаклда учрайди.

Кишварий қаламга олган тахмисда маъшуқа олмадек қип-қизил ёноғини бегуноҳ ошиғига кўрсатиб, уни буткул ўзига ром этади. Шўх қиз хуснининг кўринмас ханжари ила лирик қаҳрамоннинг жон риштасини шафқатсизларча узиб, ишвасининг сеҳри билан оғзини боғлайди (*ташхис* санъати), яъни камгап қилиб кўяди. Натижада ошиқ фақат вафо ва меҳрдан, маъшуқа эса, жабру жафодан сўзлайди:

Кишварий:

*Al yanaǧın gōrsədūb kōnlūmni alīb saxladın,
Riştēyi-canum yūziüb sih̄r ilə aǧzım baǧladın,
Mən vāfavū mehrii, sən cōvrü cāfadən soyladın,
“Mən qaçan dedim vāfa qilǧıl, mana cōvr eyladın,
Sən qaçan dedin fāda bolǧıl mana, boldum sana” (3, 54).*

Мазмуни:

*Ол ёногинг кўрсатиб, кўнглумни олиб сақладинг,
Риштаи жоним узиб, сеҳр ила оғзим боғладинг,
Мен вафову меҳру, сен жабру жафодан сўзладинг,
“Мен қачон дедим вафо қилгил, манга жабр айладинг,*

Сен қачон дединг фидо бўлғил манга, бўлдум санга”.

Навоий ғазалнинг тўртинчи байтида лирик қаҳрамон айнан кимга ошиқлигини аниқлаштириб олади ва бунда ёрининг ўзини «айбдор» қилади: «Қайси пари қоматли гўзалга бундай даражада ошиқи девона бўлиб қолдинг? – деб сўрайсан. Эй пари қоматлигим, менга не жабру жафо қилсанг ҳам розиман, чунки сени севиб, девонанг бўлиб қолдим». Бу байтда шоир оз сўз қўллаб, кўп маъно чиқариш маҳоратидан фойдаланган. Чунки радифда келган «бўлдум санга» сўзлари мантиқан «телба бўлдум санга» дея тушунишни тақозо этмоқда. Мумтоз адабиётшуносликда маҳоратнинг бундай усули *балогат* деб номланган:

Навоий:

Қай пари пайкарга дерсен: телба бўлдунг бу сифат,

Эй парипайкар, не қилсанг қил манга, бўлдум санга (1, 36).

Алишер Навоий қаламига мансуб “бўлдум санга” радифли ғазалнинг тўртинчи байтига ёзилган жавоб Кишварий тахмисининг олтинчи бандида учрайди. Ушбу бандда озарбойжон шоири ёрнинг лабини оби ҳаётга, кўзларини жодуга, иягини жамол боғидаги дostonдек машҳур ҳид таратувчига, ўзини эса бало саҳросига юзланган оҳуга қиёслаш орқали *ташбиҳ* санъатининг гўзал намуналарини юзага келтирган. Шунингдек, *жамол боғи*, *бало саҳроси* бирикмалари орқали *истиора* санъатини ҳам қўлланилган:

Кишварий:

Ey ləbin abi-həyatü gözlərin cadusifət,

Ğəbğəbin baği-cəmalın içrə dəstənbusifət,

Mən ki, yüzləndim bəla səhrasına ahusifət,

“Qay pəri peykarə dersən tilbə boldun bu sifət,

Ey pəri peykər, nə qilsan qıl mana, boldum sana” (5, 150).

Мазмуни:

Эй лабинг оби ҳаёту кўзларинг жодусифат,

Ғабгабинг боғи жамолинг ичра дostonбўсифат,

Менки, юзландим бало саҳросига оҳусифат,

“Қай пари пайкарга дерсен: телба бўлдунг бу сифат,

Эй парипайкар, не қилсанг қил манга, бўлдум санга”.

Навоий ғазалининг бешинчи байтида лирик қаҳрамон тўғридан-тўғри ўз кўнглига мурожаат этиб (*нидо* санъати): “Эй кўнгул, улуғлар, донолар, насиҳатига мен қулоқ солмадим, энди сен ҳам овора бўладиган бўлдинг, бошимдаги юз бало етмагандек, мен ҳам сенга бир бало бўлдим”, дейди. Бу ерда

кўнгилга жонланиш хусусиятини бериш орқали *ташхис* санъати қўлланилган. Бу байтда лирик қаҳрамон ишқ йўлига кирган инсоннинг машаққати икки баравар ортиши мумкинлигига оид мантиққа суяниб, кўнглига ишқ йўлига киргани учун юз балосига яна бир бало орттирганини баён этган (*гулуъ* санъати):

Навоий:

Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим, аввора бўл,

Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санга (1, 36).

Кишварий талқинидаги лирик қаҳрамон ҳам кўнгли билан мулоқот қилиб, уни ошиқларни ўлдириб қонини ичувчи номехрибон ёр каби бўлишга ундайди. Сўнгра шоир ҳижрон тиғи (*истиора* санъати) туфайли жонининг юз бўлакка бўлинганини айтиб, бироқ дардига малҳам бўлувчи меҳрибон гўзал йўқлигини тан олади ва кўнглига бечоралик либосини кийишни маслаҳат беради. Бу байтда озарбайжон шоири ишқ дардига даво йўқлигига доир қарашни илгари сурган:

Кишварий:

Sən hət ol namehriban aşıq-küş-i xunxarə bol,

Tiğ-i hicrandən mənim canım gərək yüz parə bol,

Çarəkarın bulunmaz, neylayım, biçarə bol,

“Ey könül, tərki-nəsihət eyladım, avarə bol,

Yüz bəla yetməz ki, mən hət bir bəla boldum sana” (5, 150).

Мазмуни:

Сен ҳам ул номехрибон ошиққуши хунхора бўл,

Тиғи ҳижрондан маним жоним керак юз пора бўл,

Чорагаринг топилмас, найлайин, бечора бўл,

Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим, аввора бўл,

“Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санга”.

Навоий ғазалининг олтинчи байти ошиқона мазмунга эгаллиги билан олдинги байтларга боғланса-да, у орифоналик хусусияти билан ажралиб туради. Тасаввуф адабиётида **жоми Жам** *васл сархушлиги* ва *рамзан кўнгилда ёр акс этишини*, **Хизр суйи** эса, *абодий ҳаётни* англатади. Шунингдек, жоми Жам ва Хизр суйи тушунчаларининг биргаликда қўлланилиши (*талмеҳ* санъати) *Аллоҳ нури билан мунаввар бўлган пири комил қалбини* ифодалайди. Навоийнинг фикрича, соқий, яъни пири комил, ёри азиз ёки маъшуқа висолига этишиш орқали ишқ нурига ғарқ бўлиш учун инсон мансаб ва давлатни тарк этиб,

дарвеш бўлиши керак. Фоний дунёнинг молу давлатидан воз кечган ҳақиқий ошиққа эса, Аллоҳ васли, яъни абадий илоҳий файз насиб бўлади:

Навоий:

*Жоми Жам бирла Хизр суйи насибимдур мудом,
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санга* (1, 36).

Навоий ғазалининг олтинчи байтига жавобни Кишварий тахмисининг тўртинчи бандида учратиш мумкин. Ушбу бандга озарбойжон шоири ҳам орифона мазмунни сингдирган. Ошиқ учун ҳабиб, яъни маъшуқа қошининг айланаси гўё қиблагоҳ каби мўътабар бўлиб, уни ҳатто ўз соясидан ҳам қизғанади. Чунончи, қиблагоҳга сажда қилган лирик қаҳрамон наздида ўз сояси ҳам рақиб кабидир. Маъшуқанинг ияги ва юзи эса, ошиқ нигоҳида бамисоли олма ва анор каби тотли, мафтункор. Шоир мазкур бандда сояга рақиблик хусусиятини юклаш орқали *ташхис*, юз ва иякни анор ҳамда олмага қиёслаш баробарида *ташбих* санъатларини юзага келтирган:

Кишварий:

*Qibləgahim taq-i əbru-yi həbibimdür müdam,
Səcdə qılğaç altıda kölgəm rəqibimdür müdam,
Ğəbğəbu yüzün xəyali sibu narimdür müdam,
“Cam-i Cəm birlə Xızr suyu nəсібimdür müdam,
Saqiya, ta tərki-cah eylab gəda boldum sana”* (5, 150).

Мазмуни:

*Қиблагоҳим тоқи абруйи ҳабибимдур мудом,
Сажда қилгач остида соям рақибимдур мудом,
Ғабғабу юзинг хаёли себу норимдур мудом,
“Жоми Жам бирла Хизр суйи насибимдур мудом,
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санга”.*

Навоий ғазалининг мақтаёсида ошиқликнинг мартабаси янада баландроқ кўтарилганини кузатамиз. Шоир дейдики, “То Навоийдек сен маҳбубага асиру бенаво бўлмагунча ошиқлар орасида ғам-ғусса чангли созидан бирор-бир куй эшитмадим”. Мазкур байтнинг биринчи мисрасидаги “навое” (“бир наво”) сўзи билан иккинчи мисрасидаги “Навоий” сўзи ўртасида ўзакдошлик мавжуд. Ғазалда ўзаро ўзакдош сўзларни ишлатиш орқали ажиб лисоний жозибани ҳосил қилиш шарқ мумтоз бадиияти илмида *иштиқоқ* санъати дейилади. Шунингдек, *ғусса чанги* бирикмаси орқали *истиора*; *Навоийдек* сўзини қўллаш натижасида *ташбих*; *чанг*, *наво* сўзларини ишлатиш баробарида *таносуб* санъатлари юзага келган:

Навоий:

*Ғусса чангидин навое топмадим ушишоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санга (1, 36).*

Кишварий тахмисининг сўнгги банди ҳам навоийона услуб анъаналарига риоя қилган ҳолда юксак маҳорат билан ёзилган. Навоий ошиқлар ичра асирлик ва бенаволикда танҳо эканлигини эътироф этган бўлса, Кишварий дунё бўйлаб *най каби (ташбих санъати)* нолон бўлиб кезиб, *нилгун (сифатлаш)* авроқ (кўм-кўк осмон) остида ҳар қанча излаб кўрса ҳам, ушшоқ, яъни ошиқлар орасида ўзи каби номурод кишини учратолмаганини тилга олган:

Кишварий:

*Нәр несә ким истадим бу nilgun ovraq ara,
Kışveri tək tapmadım bir namurad üşşaq ara,
Nəy tәki nalan bolub gәzdiim xami afaq ara,
“Güssә cәngidән Nәvayi, tapmadım üşşaq ara,
Ta Nәvayi tәk әsirü binәva boldum sana” (5, 151).*

Мазмуни:

*Ҳар нечаким истадим бу нилгун авроқ аро,
Кишварийдек топмадим бир номурод ушишоқ аро,
Най каби нолон бўлиб кездим ҳамма офоқ аро,
“Ғусса чангидин навое топмадим ушишоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санга”.*

Умуман олганда, XV асрнинг иккинчи ярми – XVI асрнинг бошида Табризда яшаб, “Кишварий”, “Қул Кишварий», “Мискин Кишварий», “Хаста Кишварий”, “Хастахотир Кишварий”, “Шикаста Кишварий” каби тахаллуслар билан озарбойжон ва форс тилларида ижод қилган Неъматуллоҳ Алишер Навоий ғазалларидан адабий таъсирланган ҳолда назира ва тахмис битган илк озарбойжон шоиридир.

Неъматуллоҳ Кишварий Ҳазрат Алишер Навоийнинг “бўлдум санга”, “бор”, “бўлмасун” радифли ишқий, “топмадим” радифли ижтимоий-сиёсий, “беш эмас” радифли панд-насихат руҳидаги танланган ғазалларига айна радиф, қофия, мазмун ва ғояни қўллаган ҳолда тахмислар ёзиш орқали Сафавийлар давлатида олий навоийона услубнинг кенг тарқалишига ва озарбойжон мумтоз адабиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўшди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алишер Навоий. Йигирма томлик. Учинчи том. Фаройиб ус-сиғар. – Тошкент: Фан, 1988. – 575 б.
2. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 1-4-жилдлар. Э. Фозилов таҳрири остида. – Тошкент: Фан, 1983-1985.
3. Demirci Jale. Azərbaycan şairi Kışverî'nin Nevâyî şiirlerine yazdığı tahmisler. // Ankara Üniversitesi Dil ve Tarih-Coğrafya Fakültesi Türkoloji Dergisi. – Ankara, № 17. 2010. – S.47–55.
4. Eyvazova Roza. Kışverî Divanı'nın Dili (Morfoloji Hususiyetleri). – Bakû: Elm, 1983. – 140 s.
5. Kışvəri. Əsərləri. Tərtib edəni, şərh və lüğətin müəllifi: Cahangir Qəhrəmanov. – Bakı: Şərq-Qərb, 2004. – 176 s.
6. Nağıyeva Cənnət. Azərbaycanca Nəvai. – Bakı: Tural-Ə Nəşriyyat-Poliqrafiya Mərkəzi, 2001. – 326 s.
7. Türk dünyası el kitabı. – Ankara: Türk Kültürünü Araştırma Enstitüsü yayınları, 1976. – 1452 s.

REFERENCES

1. Alisher Navoi. Faroiib us-sifar, 20 vol., vol. 3, Toshkent: Fan, 1988, 575 p.
2. Alisher Navoi asarlari tilining izoxli lugati. 1-4 vol. (Explanatory Dictionary of the language of Alisher Navoi's works), Toshkent: Fan, 1983-1985.
3. Demirci Jale. Ankara Üniversitesi Dil ve Tarih-Coğrafya Fakültesi Türkoloji Dergisi, Ankara, No 17, 2010, pp. 47–55.
4. Eyvazova Roza. Kışverî Divanı'nın Dili (Morfoloji Hususiyetleri) (Language Of The Chisel Court (Morphology)), Baku: Elm, 1983, 140 p.
5. Kışvəri. Əsərləri (Works), Baku: Şərq-Qərb, 2004, 176 p.
6. Nağıyeva Cənnət. Azərbaycanca Nəvai (Navoi in Azerbaijan), Baku, 2001, 326 p.
7. Türk dünyası el kitabı (Turkish world handbook), Ankara, 1976, 1452 p.